

ДУТОР ИЖРОЧИЛИК МАКТАБЛАРИ АНЬАНАЛАРИГА ДОИР

Хуршида Қаххорова
Фарғона давлат университети
Вокал ва чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистон шароитида чолгу ижрочилиги анъаналари, жумладан дутор ижро санъати ривожланиши жараёнлари борасидаги фикр муроҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: чолгу ижрочилиги маҳорати, торли чолгулар гуруҳи, намуна, дутор, маҳаллий услугуб, ижро услугуби.

ТРАДИЦИОННЫЕ ИСПОЛНИТЕРЛЬСКИЕ ШКОЛЫ ДУТАРА

Хуршида Каххорова
Преподаватель кафедры вокально-инструментального исполнительства
Ферганского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются традиции музыкального исполнительства в условиях Нового Узбекистана, в том числе процессы развития дуторского исполнительского искусства.

Ключевые слова: музыкально-исполнительское мастерство, группа струнных инструментов, дутор, локальный стиль, манера исполнения.

TRADITIONAL DUTAR PERFORMING SCHOOLS

Khurshida Kahhorova
Teacher of the Department of vocal and instrumental performance
Ferghana State University

ABSTRACT

This article discusses the traditions of musical performance in the conditions of New Uzbekistan, including the development processes of dutor performance art.

Key words: skill of musical performance, group of string instruments, sample, dutor, local style, style of performance.

КИРИШ

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос ривожланиш босқичини, турмуш тарзини, фалсафа ва ўзига хос маданиятни яратди. Ана шу ўзига хослик миллийлик, айниқса, унинг мусиқа маданиятида тўла намоён

бўлгандир. Шунинг учун ҳам миллий мусиқасиз халқимиз руҳини кўтариб, унинг қалбига йўл топиб ва уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб бўлмайди, чунки миллий мусиқада у халқнинг асрлар оша тўплаган ҳиссий билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари ўз ифодасини топгандир[1:143].

Ўзбек халқ чолғулари ўзининг хилма хил ва бетакрорлиги билан ажralиб туради ва ҳар бир чолғу асбоби ўзига хос шаклланган бўлиб, мусиқанинг барча тармоқларига мос чолғу сифатида, асрлар оша ривожланиб келди.

Ўзбек миллий мероси мусиқий чолғуларга бой ва уларнинг ҳар бири узоқ ўтмиш, таркибий ривожланиш ва техникавий такомиллашиш жараёнидан ўтганлиги билан алохida ахамият касб этади[2]. Ана шундай чолғуларидан бири–дутордир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Хозирда дутор ижрочилик санъати ривожланиб, давр талабларига мос равишда шаклланиб бормоқда. Бу жараённинг равнақи йўлида ўз санъатини ҳамда билимини ёш авлодни тарбиялашга сарфлаб келаётган устозларнинг ўрни бекиёсдир[3].

Дутор (форсча - икки тор) – торли чертим мусиқа чолғуси, Марказий Осиё халқ (ўзбек, тоҷик, уйғур, туркман, қорақалпок)лари маданиятида кенг тарқалган. Ўзбек дутори мулойим, нафис ва ширали овози билан бошқа чолғулардан ажralиб туради.

Дутор–ўзбек анъанавий чертим чолғу созларидан бири. Узоқ ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётидан муносиб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айни пайтга келиб анъанавий ижро услубига хос барча гуруҳлар таркибидан жой олган. Анъанавий якканавоз чолғу сифатида шаклланган ва бугунги кунда етакчи чолғулар қаторига киради. Дуторнинг тарихий шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалса-да унинг бошқа чолғулардан алохida бўлиб ажralганлиги мусиқий рисолаларда XV асрдан бошлаб таърифланиб келади. Лекин “Форобийнинг (IX аср) маълумотларига қараганда Хуросон танбури ўзининг кўплаб белгилари билан замонавий дуторни эслатади”[3].

Дуторни ўз номини ва унинг барча (шаклий, таркибий, ижровий) имкониятлари билан илк бор XV асрда яшаб ижод этган мусиқашунос олим Зайнуллобиддин ал-Хусайний ўзининг мусиқа илмига бағишлиланган “Рисолай дарбаёни қонуни ва амалий мусиқий” номи рисоласида баён этган. Унда иккита торли ва уларнинг оралиғи кварта интервалига мослиги, дастасига боғланган пардалари ўнбиттани ташкил этувчи дутор чолғу асбоби таърифланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қайд этиш лозимки, рисолада тавсифланган чолғу ҳар томонлама замонавий дутор созига яқин бўлса-да, унинг шаклда бироз фарқ борлиги кўзгаташланади. Чунки, тадқиқотимизда тавсифланган дуторни косахонаси ҳозирги замон дуторидан оз бўлса-да каттароқ, дастаси эса қисқароқdir.

Ўзбекистонда дуторнинг локал турлари мавжуд – хоразм, фарғона, тошкент, бухоро, бойсун, қорақалпоқ, қашқар каби дуторлар (улар узунлиги, косахона, пардалар сони, торлари билан ажралиб туради). Ўзбек дуторлари Тановар (квартага), Муножот (квинта), Қўштор (унисон) созларига созланади. Анъанавий ижрочилик санъатида дутор ижрочилиги етакчи ўрин эгаллаган (кўпроқ аёллар орасида).

XX асрда Ўзбекистонда бир неча дутор ижрочилиги мактаблари ўзига хос мавқеи, услублари ва намояндалари билан машҳур бўлган (Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Хоразм). Дутор тарғиботчилари орасида М.Нажмиддинов, О.Рустамов, Қ.Мадраҳимов, А.Ваҳобов, Ф.Содиков, М.Юнусов, Т.Алиматов, З.Обидов, О.Қосимов, А.Абдурасулов, С.Юсупов, Н.Болтаев, Шерозий, Н.Қулабдуллаев, А.Ҳамидов, М.Зиёева ва б. Дутор халқ ва мумтоз чолғу куйлари ва туркумлари ижро этилган, жумладан, Шашмақомнинг чолғу ва ашула йўллари, Фарғона-Тошкент мақом чолғу йўллари.

МУХОКАМА

Хоразмда дутор мақом туркумлари XIX-XX асрларда кенг тарқалган бўлиб, "Хоразм танбур чизифи"да олтида дутор мақоми – Зиҳий Наззора-Урганжий, Мискин, Раҳовий, Ироқий, Охёр, Чоки Гирибонлар ва уларнинг туркумий қисмлари ёзиб олинган. Манбаларга кўра (Хоразм мусиқий тарихчаси) ва амалиётда сақланган дутор мақом туркумларининг 11-таси келтирилада, ҳар бирининг таркибида 2-дан то 7-тагача қисмлари мавжуд – Ироқ, Чапандоз, Мўғилча, Навоий, Садри Ироқ, Ровий, Орази бом, Ташниз, Мажнун Дали, Охёр, Мискин, жумладан, Зиҳий Наззора-Урганжий мақоми таркибида – Зиҳий Наззора, Талқини Зиҳий Наззора, Таржиъбанди Зиҳий Наззора, Қаддим ҳамлиқи, Талқини Урганжий, Нақши Талқини Урганжий, Ийфори Талқини Урганжий ёки Мискин мақом туркуми таркиби – Мискин, Талқини Мискин, Нақши Мискин, Ийфори Мискин (Ийфори – уфар маъносида). Ҳар бир мақом туркуми ўзига хос куйи, шакли, усуслари, куй ривожи, шеърий матнлари ва ижро услублари билан ажралиб туради. Дутор ёшлилар орасида кенг тарқалган чолғу бўлиб, республика миқёсида дутор ижрочилиги бўйича танловлар мунтазам равишда ўtkazilmokda. Дутор ижрочилиги ва дутор мақом йўллари олий ва ўрта маҳсус ҳамда мусиқа

мактаблари ўқув жараёнига киритилган, шу туфайли дастурлар ва ўқув қўлланмалар амалиётда жорий этилган[4].

ХУЛОСА

Ўзбекистонда дуторнинг халқ анъанавий ва ҳудудий ижрочилик услублари мавжуддир. Ҳудудий услубларга Фарғона-Тошкент ва Хоразм дутор ижрочилик мактаблари кириб, ҳар бири ўзининг воҳавий хусусиятларига эга. Хоразмда эса маҳсус дутор мақомлари ҳам шаклланган. Жумладан, Хоразм мусиқий тарихчаси китобида “Дутор мақомлари” деб келтирилган туркумларни кўришимиз мумкин. Бундан хulosа чиқариш мумкинки, дутор сози мақом жанрида ҳам етакчилик қилиб келган.

Дутор сози ўтмишда асосан аёллар томонидан ижро этилган. Тарихий манбалардаги тасвирий санъат намуналарида хусусан, Камолиддин Бехзоднинг Алишер Навоий асарларига ишлаган миниатюраларида дутор чалаётган аёллар сиймосини учратиш мумкин[5,128].

XIX аср охири XX аср бошларида дутор ижрочилик амалиётида эркак чолғучилар етакчилик қилган. Бунинг сабаби ўздаврида сарой созандалари жамоаси асосан эркакларни ташкил топганлигидадир.

Лекин XIX аср охирларига келиб, айрим рус сураткашлари томонидан олинган фотосуратларида дуторчи аёлларни кўриш мумкин. Ана шу суратлардан бири Хивахонлигига 1896 йили Россиялик саёхатчи Волкинский томонидан олинган суратда беш қиз бир хонада ўтириб, қўлларида дутор, дойра, шеър битилган китоб ва гуллар ушлаб турганлари кўзга ташланади. Уларнинг уст-бошига қараб профессионал созанда эканлигини хulosа қилиш мумкин[8].

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, дутор ижрочилиги профессионал даражада ривож топди. Диёrimizning кўплаб шахарларида Қори Каромат, Абдулазиз Расулов, Абдусоат Вахобов, Қўзижон Мадрахимов, Хожи Абдурахмон Умаров, Юсуф Алиев, Махмуд Юнусов, Давлат Охун Қодиров, Сайфуддин Йўлдошев, Зокирjon Обидов, Турғун Алиматов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиков, Ориф Қосимов каби халқ севган санъат усталари етишиб чиқди. Бугунги кунда дутор чолғусида эркаклар билан teng равишида аёллар ҳам шуғилланиб келмоқдалар. Ижрочилик амалиётида моҳирлик даражасига эришган халқ дуторчи созандалари доимо халқимиз эъзозида бўлиб келганлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ (REFERENCES)

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият. 2008. Б- 143

2. Тошматова И. Анъанавий дутор. –Т.: 2008
3. Ирода Риксиева ДУТОР ЧОЛҒУСИНИНГ ИЖРО ЙЎЛЛАРИ
<https://slib.uz/uz/article/view?id=216>
4. Дутор ва сурнай мақом йўллари <http://www.ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-2/325-dutar-surnay-maqom-cycles>
5. А.Навоий. “Ҳамса”, “Сабъаисайёр”. –Т.: 2006. Б-128, 160, 288. “Хайратул-аброр”. –Т.: 2006. Б-1
6. Nasritdinova Madina Nurullayevna, & Turg'unboyeva Muhlisa. (2022). THE ROLE OF PEDAGOGICAL ACTIVITY IN CREATING A NEW UZBEKISTAN ENLIGHTENED SOCIETY. *BEST SCIENTIFIC RESEARCH*, 1(1), 238–241. Retrieved from <http://journal.imras.org/index.php/sps/article/view/76>
7. M. Nasritdinova (2022). ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАР БАДИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (B6), 950-955. doi: 10.5281/zenodo.7195710
8. Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
9. Насритдина, Мадина Нуруллаевна (2022). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСЦЕЛЕНИЯ ДЕТЕЙ С ПАТОЛОГИЕЙ, СВЯЗАННЫХ С ГИПОКСИЕЙ, ПОСРЕДСТВОМ ИСКУССТВ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 385-393.